

Олий даражадаги Ўзбекистон-Италия музокаралари якунида халқаро Конгресс-марказида Самарқанд шаҳридаги кўчага Рим шаҳри номини беришга бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу қарор чуқур тарихий ва маданий алоқалар, стратегик шериклик муносабатларининг ҳозирги юксак даражасини инобатга олган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон ва Италия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳурмат рамзи сифатида қабул қилинганини таъкидлади.



СИЁСIIЙ ФАОЛ ЁШЛАР – АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентида партиядан сайланган ёшлар билан учрашди.

2

ХУСУСИЙ КЛИНИКАЛАРДАГИ НОХУШ ҲОЛАТЛАРГА ҚАЧОН ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ?



Таъкидланишича, хусусий клиникалар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда тадбиркорлик субъекти ҳам ҳисобланади. Уларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва ўрганишда тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилувчи бир қатор қоидалар белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, хусусий клиникалар фаолияти юзасидан назорат механизмларининг самарали ишлашида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

2

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ҚУЛАЙЛИКМИ ЁКИ ТАҲДИД?

... сунъий интеллект ишончли маълумот олишга бўлган ишонч учун ҳам жиддий таҳдидга айланган. Нейротармоқлар мутлақо ҳақиқийдек кўринадиган матнлар, тасвирлар ва видеоларни яратишга қодир, бироқ улар аслида сохта бўлиши мумкин. Ёшлар бундай воситаларга эга бўлганда, сохта янгиликлар яратиш, видеоёзувларни қалбакилаштириш ёки ҳазил тариқасида одамларни чалғитувчи материаллар тарқатишга мойил бўлишади. Бу эса кўпинча манипуляцияга олиб келади.

5

БЕЛИНГИЗДА БЕЛБОҒИНГИЗ БОРМИ?

Кейинги пайтда белбоққа ғалати муносабат шаклланди. Чорсисимон белбоғлар хўжакўрсинга бўлиб қолди. Айрим ҳолатларда уни боғлаганларга ҳамдардлик маъносида қараш пайдо бўлди...



6

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

“BOR MEHRIMIZ SENGA, BOLAJON!”

BEG'ARAZ DONORLIK AKSIYASIGA
CHORLAB QOLAMIZ!

2025-yil 2 - 6-iyun va 9 - 13-iyun
KUNLARI

Respublika qon quyish markazi va
uning hududiy bo'linmalarida tashkil etiladi

ADOLAT.UZ





Хусусий клиникалардаги нохуш ҳолатларга қачон чек қўйилади?

Инсон саломатлиги ҳамма нарсадан муҳим. Бу борада мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, ҳар бир фуқаронинг сифатли тиббий хизмат олиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳамиятлиси, давлат шифохоналари билан бир қаторда хусусий тиббиёт муассасалари ҳам аҳолига тиббий хизматларни тақдир этмоқда. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда юртимизда 3 мингдан ортиқ хусусий клиника ва диагностика маркази фаолият юритмоқда. Улар тиббий хизматлар бозорини кенгайтириш ва рақобатни ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Аммо сўнгги вақтларда ижтимоий тармоқларда хусусий клиникалар билан боғлиқ нохуш ҳолатлар тўғрисидаги хабарларга тез-тез дуч келаямиз. Бу борадаги видео ва фото материаллар жамоатчиликнинг эътирозлари ва кенг муҳокамагарига сабаб бўлмоқда. Беморларнинг ҳуқуқлари бузилиши, нотўғри ташхис, малакасиз хизмат кўрсатиш ҳолатлари, шунингдек, айрим ҳолатларда бу нохуш вазиятлар оғир оқибатларга олиб келганлиги ҳақидаги маълумотлар, албатта, жиддий ташвиш уйғотмоқда.

“Адолат” социал-демократик партиясининг навбатдаги мунозара сессияси аини масалага — “**Хусусий клиникалардаги нохуш ҳолатларга қачон чек қўйилади?**” мавзусига бағишланди.

Мунозара клубида Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъуллари, хусусий клиникалар раҳбарлари, суд органлари вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва жамоатчилик фаоллари иштирок этди.

Мунозарарда хусусий тиббиёт муассасаларида кузатилаётган нотўғри тиббий муолажалар сабаб юзага келаётган нохуш ҳолатлар, хусусий клиникаларни лицензиялаш ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳолатларида назорат механизмлари самарадорлиги, тиббий ходимларнинг малакасини оширишда қандай чоралар кўрилатгани муҳокама қилинди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъул ходимларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари тингланди.

Сессия муҳокамалари давомида хусусий клиника вакиллари ҳам ўз фикрларини билдирди. Мунозара иштирокчилари уларга тез-тез юз бераётган тиббий хатолар билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг сабаблари, хусусий клиникалардаги тиббий хизмат нархларининг қимматлиги, уларни белгилаш таъминоти ва тиббиёт ходимларининг малакасини мунтазам ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан саволлар берди.

Шунингдек, сессияда хусусий клиникалар фаолиятида тадбиркорлар ҳуқуқлари ва аҳоли саломатлиги ўртасидаги мувозанатни сақлаш, хусусий клиникалар фаолияти устидан назоратни кучайтириш масалалари муҳокама қилиниб, бу борада Бизнес-омбудсман вакилининг мулоҳазалари тингланди. Таъкидланишича, хусусий клиникалар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда тадбиркорлик субъекти ҳам ҳисобланади. Уларнинг фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва ўрганишда тадбиркорлар манфаатларига хизмат қилувчи бир қатор қондалар белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, хусусий клиникалар фаолияти юзасидан назорат механизмларининг самарали ишлашида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Жамоатчилик фаоллари инсон саломатлиги энг биринчи навбатдаги масала эканлигини алоҳида таъкидлашди. Шундай экан, хусусий клиникаларда инсон ҳаёти ва саломатлигига зарар етказган ҳолатларда лицензия

<https://uza.uz>

СИЁСИЙ ФАОЛ ЁШЛАР – АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИ

1 Учрашувдан мақсад нафақат янги сайланган Ёшлар парламенти аъзоларини қутлаш, балки уларга партия ишончининг рамзи бўлган ёрликларни топширишдан иборат бўлди. Муҳим жиҳати шундаки, партия раҳбари ёшларнинг келгуси фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларга сиёсий майдонда зарур бўлган кўникма ва маслаҳатлар бериш орқали устоз-шогирд аъналаларига содиқ қолган ҳолда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди.

Тадбир давомида партия етакчиси Робохон Махмудова ёшларга ўзининг самимий тилакларини билдириб, уларнинг келгусидаги масъулиятли ва шарафли фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Учрашувда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг аъзолари ҳам иштирок этиб, ўзларининг қимматли тажрибалари ва тавсиялари билан ўртоқлашди.

Йиғилиш давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ёшлар комиссияси раиси ўринбосари ҳамда партия фракцияси аъзоси Беҳзод Тўхтамуродов сиёсий партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентидаги ёшлар гуруҳини расман тузиш ва унга раҳбар тайинлаш масаласига эътибор қаратди.

“Адолат”чи ёшлар орасида ўзининг фаоллиги ва ташаббускорлиги билан алоҳида ажралиб турган Шерзодхон Исламовга бу муҳим ва масъулиятли вазифа ишониб топширилгани ёшлар томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Тадбирнинг энг ёрқин лаҳзаларидан бири – Ёшлар парламентининг янги аъзоларига ишонч ёрликларини ҳамда “Адолат” партиясининг рамзи туширилган эсдалик совғаларини топшириш маросими бўлди. Чунки, жараён ёшларнинг сиёсий ҳаётидаги янги босқичнинг бошланиши сифатида рамзий маънога эга.

Эндиликда Ёшлар парламентида “Адолат” социал-демократик партиясининг 21 нафар аъзодан иборат гуруҳи фаолият юритади. Ушбу гуруҳ мамлакатнинг энг иқтидорли ва фаол ёшларидан таркиб топган бўлиб, улар ўз ҳудудларидаги ёшларнинг долзарб муаммоларини чуқур ўрганиш, уларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш ва ёшлар ўртасида очик муҳокама қилиш орқали амалий ечимлар топишга интилади.

Бундан ташқари, “Адолат”чи ёшлар мамлакатимизда амалга оширилаётган қонун ижодкорлиги жараёнида бевосита иштирок этиб, ўз тенгдошларининг орзу-истакларини қонунчиликка татбиқ этиш, уларнинг конструктив ва инновацион тақлифларини Олий Мажлисга етказиш орқали жамият тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишни мақсад қилган.

Партия етакчиси Робохон Махмудова нутқида “Адолат” социал-демократик партияси ёш авлоднинг сиёсий фаоллигини ҳар томонлама оширишга доимий устувор вазифа сифатида қарашини таъкидлаб ўтди. Қолаверса, йиғилишда ёшларнинг мамлакат парламентидаги фаол иштироки Янги Ўзбекистоннинг барқарор келажагини барпо этишда муҳим ва стратегик аҳамият касб этиши қайд этилди. Шунингдек, партия раҳбари ёшларга билдирилган улкан ишонч ва масъулиятни чуқур ҳис қилишлари, келгуси фаолиятларида адолат таъминоти асосида жамият манфаатларига хизмат қиладиган самарали лойиҳалар ва ташаббусларни амалга оширишлари зарурлигини таъкидлади.

Учрашувнинг якунида партия фракцияси аъзолари янги сайланган ёшларга ўзларининг самимий тилакларини айтиб, Ёшлар парламентидаги фаолияти давомида улкан зафарлар ва ютуқларга эришишларига ишонч билдирди.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Матбуот хизмати

Фракция йиғилиши

СУД ҚАРОРЛАРИНИНГ ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида Президентимиз раислигида мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган муҳим чора-тадбирлар юзасидан фикр алмашилди.

Фракция аъзолари мазкур вазифаларни рўйбга чиқаришда парламент ролини кучайтириш, қабул қилинаётган қонунлар орқали мактабга ва мактаб таълими соҳасида адолат ва тенглик таъминоти асосида рўйбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Мазкур жараёнда электоратининг катта қисmini ўқитувчилар, таълим фидойилари ташкил этадиган “Адолат” СДП ва унинг парламентдаги фракцияси фаол бўлиши кераклиги қайд этилди.

Шунингдек, депутатлар “Ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш институти жорий этилиши муносабати билан “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар.

Лойиҳа билан бирга мамлакатимиз қонунларига бир қатор муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғри-

сида”ги қонунга мулкрий тусдаги суд ҳужжати бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини мажбурий ижро органининг депозит ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан таъминлашга, яъни ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш орқали амалга оширишга оид нормалар киритилмоқда. Бунда ижро иши бўйича кафолат маблағларини киритиш ижро иши юритишнинг тўхтатиб туриш, қарздорга ва унинг мол-мулкига нисбатан қўлланилган чекловларни бекор қилиш учун асос бўлиши назарда тутилган.

Йиғилишда қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси суд қарори ўз фойдасига қабул қилинган шахсларнинг қонуний манфаатлари ҳамда суд қарорларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Савол-жавоблар ва билдирилган фикрлардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.





Озода ПАРПИБАЕВА,
“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раисининг
Ташкилий-партиявий ишлар ва
кадрлар бўйича ўринбосари

Бугунги кунда дунё таълимида юз бераётган туб ўзгаришлар, рақамли технологияларнинг жадал ривож ва меҳнат бозоридаги янги талаблар миллий мактаб таълими тизимини такомиллаштириш заруратини янада оширмоқда. Таълим соҳасида рақобатбардош, кенг фикрлайдиган, замонавий билим ва кўникмаларга эга ёш авлодни тарбиялаш бугун нафақат ижтимоий, балки стратегик вазифага айланган.

Шу нуқтаи назардан, давлат раҳбари раислигида 15 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида мактаб таълими тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган устувор йўналишлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, ҳозирги глобал ўзгаришлар замонида ҳар қайси давлатнинг тараққиёти, аввало, соғлом ва билимли ёш авлодга боғлиқ эканига шубҳа йўқ. Шундан келиб чиқиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида жисмонан соғлом, интеллектуал салоҳиятли ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш энг устувор вазифалардан бири сифатида давлат сиёсатида алоҳида ўрин эгаллаган.

Охирги етти йил ичида мактабгача ва мактаб таълими соҳасига йўналтирилаётган маблағлар мисли кўрилмаган даражада — етти баробарга, жорий йилнинг ўзида 60 триллион сўмга ошди. Таълим инфратузилмасини яхшилаш борасида амалга оширилган ишлар натижасида мактабларда қарийб 1 миллион, боғчаларда эса 1,5 миллионга яқин қўшимча ўринлар яратилди. Шу билан бирга, боғчага болаларининг қамров даражаси 3 баробарга ўсиб, 78 фоизга етказилди.

Ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида улар учун малака, тил билиш даражалари, янги баҳолаш тизимидаги натижалари ва

фан олимпиадаларидаги иштироки асосида 10 дан ортиқ устама турлари жорий этилди. Бу имкониятлардан фойдалана олган 60 минг нафар ўқитувчи бугунги кунда 8 миллион сўмдан 12 миллион сўмгача маош олмақда.

Йиғилишда давлат раҳбари таълим сифатини ошириш ва унинг илғор халқаро стандартларга мослаштирилиши масаласига алоҳида тўхталди. Қатор муҳим ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилаётган бўлса-да, мавжуд муаммолар ҳали ҳам ечимини қутаётганини қайд этиб, тизимдаги ютуқ ва камчиликларни мутаносиб равишда баҳолашни талаб этишини маълум қилди.

Аслида муаммонинг илдизига назар ташласак, бугунги кунда мактабларда таълим сифатига эришишда методик базани такомиллаштириш, педагог кадрларнинг малакасини тизимли равишда ошириб бориш, моддий-техник таъминотни мустаҳкамлаш таянч йўналишлар саналади.

Шу сабабли Президентимиз таълим тизимидаги ислохотларни нафақат инфратузилма, балки инсон капиталига, яъни, муаллимнинг билими, касбий маҳорати ва илмий асосланган ёндашувига боғлашга устувор аҳамият қаратди.

Бу борада ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам шуни кўрсатмоқда. Масалан, Финляндия таълим моделини олсак, у ерда ҳар бир муаллим магистрлик даражасига эга бўлиши шарт, таълим жараёнида эса ўқувчи шахс сифатида эътибор марказига қўйилади. Сингапурда эса мактаб муаллимлари йилда камида 100 соат малака ошириш курсларида иштирок этиши мажбурий.

Шу асосда давлат ушбу соҳага инвестиция киритиб, натижани аниқ ўлчувлар асосида баҳолайди. Худди шундай, Германияда ҳам “дуал таълим” тизими жорий этилган бўлиб,



“Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: ҳар қандай мамлакат тараққиёти соғлом ва билимли авлодга боғлиқ. Шу боис янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратишимиз шарт ва зарур”.

Ўқувчилар назарий билимни амалиёт билан боғлаб, таълим олаётган пайтдаёқ иш тажрибаси тўплайди. Бу эса уларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширади.

Ўз тажрибамизга таянадиган бўлсак, Президентимиз томонидан Термиз педагогика институтига синов тариқасида жорий этилаётган инновацион модель — таълим мазмунини глобал стандартлар асосида қайта шакллантириш, олийгоҳ ва мактабни узвий боғлаш, муаллимни илмий асосда тайёрлаш тизими — айнан шу халқаро ютуқларнинг маҳаллий шароитга мослаштирилган ифодаси бўлади.

Аҳамиятлиси, партиямиз ҳам таълимга инвестицияни келажакка инвестиция, халқ фаровонлиги, давлатнинг рақобатдошлигини таъминловчи омил сифатида баҳолайди.

Шу боис ўз Сайловолди дастури-мизда “узлуқсиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, си-

фатли таълим-тарбия бериш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш”, “технология” фанини ўқитишни замон талаблари асосида йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш”, “сунъий интеллект асосида “ақлли мактаб” дастурини таълим тизимига жорий этиш”, “ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш мақсадида “Робототехника” фанини жорий этиш” каби таклифларни илгари сурганмиз. Булар ўз навбатида бугунги кунда таълим соҳасида кузатилаётган муаммолар, тизимли ўзгаришлар ва халқаро тажрибада ўз исботини топган ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган таклифлардир.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари доимий равишда таъкидлаганидек, айни даврда ёшларимизни, айниқса, болаларни зарарли ахборотлар таъсиридан ҳимоя қилиш бугунги глобаллашув ва ахборот технологиялари шиддат билан ривожланаётган даврдаги энг муҳим ва долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Замонавий ахборот майдонининг чегара билмаслиги ва турли хил ғаразли манбаларнинг мавжудлиги ёшларимиз онига салбий таъсир кўрсатиши, уларни миллий қадриятларимизга зид бўлган ғоялар билан заҳарлаши мумкин.

Шу боис фарзандларимизни ёт ва

зарарли ахборотлардан асраш, уларнинг соғлом ва баркамол ривожланишини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Алоҳида қайд этиш жоизки, “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурий мақсадларида ушбу масалаларга устувор аҳамият қаратилади. Партиямиз Сайловолди дастурида ҳам ёшларни турли ахборот хуружларидан асраш, шунингдек, уларнинг маънавий имунитетини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор муҳим ташаббусларни илгари суриб келмоқда. Бу борада ёшларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш, оилавий муҳитни мустаҳкамлаш, шу жумладан, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва фаоллигини ошириш, ёшларнинг таълим олиши, касб эгаллаши ва ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Ўз навбатида, партиямиз ёш авлоднинг ҳар томонлама етуқ, ватанпарвар, миллий ғояларга содиқ инсонлар бўлиб вояга етиши учун “Ватан келажаги ёшлар қўлида”, “Бор меҳримиз сенга, болажон!”, “Конституция билимдони” каби қатор кенг қамровли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, “Адолат” СДП йиғилишда белгиланган устувор вазифаларнинг самарали амалга оширилишини қўллаб-қувватлайди. Партиямиз таълимни стратегик тармоқ сифатида белгилаб, унга давлат сиёсати даражасида ёндашиш, инновация ва ахборот технологияларини тизимли татбиқ этиш орқали соҳани мустаҳкамлашни устувор вазифа, деб ҳисоблайди.

Зеро, сифатли таълим — адолатли жамият асосидир. Бу эса боланинг ақл-идрокига, иқтидорига қараб таълим олишида ифодаланади. Ана шу принципни таъминлаш, халққа манфаат келтирадиган, дунё тажрибасига таянадиган, замонавий ва ҳаётга яқин таълимни йўлга қўйиш каби масалалар йиғилишда долзарб аҳамият касб этгани билан милаий таълим тизимимизда янги босқични бошлаб бериши, шубҳасиз.

Очиқ мулоқот

Илм — ЮТУҚЛАРГА БОШЛОВЧИ ЙЎЛ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси, юридик фанлари доктори, профессор Шухратжон Ёқубов билан Чортоқ туманидаги “Оқ терак” маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ва 25-умумий ўрта таълим мактаб жамоаси ҳамда битирувчи синф ўқувчилари ўртасида “Депутат ва ёшлар” лойиҳаси доирасида очик мулоқот ўтказилди.



Муҳиддин ОМАД, Наманган вилоят кенгаши матбуот котиби

Тадбирда Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутати, “Адолат” СДП депутатлик гуруҳи раҳбари Мусохон Оппоқов юртимизда халқ турмуш-тарзи ва таълим соҳасини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида тўхталди, келажакда бундан-да улкан ютуқларга эришиш соғлом ва билимли, ватанпарвар авлодга боғлиқ эканини қайд этиб ўтди.

— Давлатимиз раҳбари мунтазам равишда таълим муассасалари инфратузилмасини такомиллаштириш ва ёшларнинг замонавий билимларни эгаллашига алоҳида эътибор қаратаётганлиги бежиз эмас, — деди Мусохон Оппоқов. — Чунки шароит, таълим ва тарбия давлат ривожининг асоси ҳисобланади. Айни кунларда битирувчи синф ўқувчилари бо-

лаликни тарқ этиб, жамиятда ўз ўрнини топиш учун катта йўл бошида туришибди. Уларни рағбатлантириб, қўлларига китоб тўтқазган депутатга ташаккур.

— Аввало, менга сабоқ берган устозларим ва мустақил ҳаёт оstonасида турган ёш дўстларим билан учрашиб турганимдан беҳад хурсандман, — деди Шухратжон Ёқубов. — Азиз болалар. Бир пайтлар мен ҳам сиз каби шу мактаб партасида ўтириб, билим олганман. Ун беш ёшимда туман фан олимпиадаси танловида биринчи ўринни эгаллаб, устозимдан соғва сифатида китоб олгандим. Ўйлаб кўрсам, ўша китоб мен учун бебаҳо соғва бўлган экан. Чунки ҳаётим давомида китоб дўстимга айланди ва барча имкониятлар эшикларини очишда очқич вазифасини ўтаб келди. Улугъузчи Тоҳир Малик устозим эди. Ҳар бор суҳбат-

ларида бўлганман. Бир гал қандай му- сиқа тинлашни ёқтиришмни сўраб қолдлар. Мен мумтоз қўшиқларни, дедим. “Мумтоз” сўзининг маъно- сини биласизми?” — деди устоз. Мен билганимча жавоб бердим. Устоз бу сўз сараланган деган маънони анга- тишини айтиб, ҳаётда сараланган- лар қаторида бўлиш муҳим эканини таъкидладилар. Ҳаётим давомида бунинг тасдиғини кўриб келяпман. Дарҳақиқат, қайси юрт аҳли китоб- хон бўлса, ўша юрт илм-фан ва та- раққиётда сараланганлар қаторида турибди. Фикримни тасдиқлаш учун бугунги замон билан боғлиқ бир воқе- ани айтиб ўтмоқчиман. Хитойга бореганимда кутубхонага кирдим. Менга робот пешовэз чиқиб, қандай хизмат борлигини сўради. Мен унга кутубхона билан танишмоқчи экан- нимни айтдим. У йўл бошлади. Ор- тидан улкан ўқув залига кириб, ҳай- ратга тушдим. Жимжитлик ҳукм сурган зал мутлоага аҳли билан тўла эди. Хитойликлар таътил даврини ана шундай зия маканларида ўтқа- зишар экан. Ҳар бир дақиқасини ўқиш,

ўрганиш ва изланишга сарфлаётган хитойликлар туғайли Хитой бугун қай даражада экани барчамизга аён. Бу хулоса чиқаришга арзийдиган ҳолат. Демак, илм бор жойга сармоя келади, сармоя бор жойда ривожланиш бўлади.

— Шухратжон олимлик ва депу- татлик даражасига ўз билими билан эришган, — дейишди кетма-кет сўз олган устозлар Тўхтабой Мадраҳи- мов ва Абдуллохон Тошбоев. — Бу жиҳатдан ҳар бир ёш ундан ибрат олса арзийди. Бугун шоғирдимиз эри- шган ютуқлардан қувониб турибмиз. Шухратжонга ҳам биз каби ўз шо- ғирдларининг ютуқларида қувониб насиб этсин.

— Донишмандлар халқ орасидан етишиб чиқади. Баланд тоғлар ва қайноқ саҳролар уларни тоблайди. Инсон китоб устида бир қоя каби бўлса, китоб инсон олдида бир саҳро кабилар. Ақлу зақосини ишга солган инсон ўша саҳродан дуру ғавҳар те- зириб ўтади. Бугунги бўлаётган тад-

бирдан мамнун бўлдим. Чунки қиш- локдошлари, устозлари олдида ёруғ юз билан ўтириш ҳар кимга ҳам на- сиб этмавермайди. Фақат илмга амал қилган кишигина бундай бахтга сазовор бўлади, — деди Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходим- лари касба уюшмасининг Наман- ган вилоят бirlашган қўмитаси ра- ис Икромжон Солиев.

Очиқ мулоқот давомида Шухратжон Ёқубов билимлар танловига юқори ўринларни эгаллаган ўқувчи қизлар — Дилфуза Одилова, Азима Муҳам- мадалиева, Дилдора Сайидолимова

ва Зарифа Нуралиевага пул мукофот- лари ҳамда қўллаб ўқувчиларга бадий китоблар тақдим этди.

Очиқ мулоқот расмийликдан йироқ ҳолда ўтди. Фикр билдирганларнинг барчаси илмнинг афзаллиги, китоб- нинг фазилати ҳақида гапирдилар.

Дарҳақиқат, мулоқот жараёнида бот-бот таъкидланганидек, бугун биз мутлақо янги даврга кириб бораёпмиз. Бу илм давридир. Илм эса ўқиш, изла- ниш ва фикрлаш билан ривож топади. Бунинг учун биринчи галда ҳар бири- миз ўзимизни ислоҳ қилишимиз керак бўлади.



Шунингдек, Каттакўрғон тумани Бурган қишлоғидаги 73-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқув йили якунларига бағишланган маънавий-маъри- фий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда ўқитувчилар ҳайъати хулосасига биноан, “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдуқамол Раҳмонов томонидан ўзи таълим олган мактаб ўқувчиларини илм олишга илҳомлантириш ва уларнинг фаоллигини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган “Абдуқамол Раҳмонов” стипендияси ғолиби аниқланди.

Унга қўра, 73-умумтаълим мактабининг 11-А синф ўқувчиси Самариддинова Умида Бахтиёр қизига махсус сертификат ҳамда 1 миллион сўм пул мукофоти топ- ширилди.



Mosaico italiano per il centro della civiltà islamica in Uzbekistan

ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ

Италия мозаикаси билан безатилди

Ушбу мақолада Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Ислom цивилизацияси маркази ҳақидаги маълумотлар таҳлил қилинади. Марказ Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилмоқда ва у нафақат Ўзбекистон, балки бутун мусулмон олами учун муҳим илмий-маърифий ва маданий марказ бўлиши кўзда тутилган. Мақолада лойиҳанинг юксак маданий, илмий ва диний аҳамияти, шунингдек, Ўзбекистоннинг тарихий меросни сақлаш ва уни жаҳон миқёсида тарғиб этиш йўлидаги стратегик интилишлари ёритиб берилган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрида нафақат Ўзбекистон, балки бутун мусулмон дунёси учун катта маданий ва маърифий аҳамиятга эга бўлган Ислom цивилизацияси маркази курилмоқда. Ахборотга кўра, бинонинг барча қисми – 7000 квадрат метрдан ортиқ жойи мозаика безаклари билан қопланган. Уларнинг 4000 квадрат метри 24 қаратли олтиндан иборат. Бу безакларни дунёдаги мозаика, олтин ёпқич, Венеция сирлари ва сунъий тош юзларини ишлаб чиқаришда етакчи ҳисобланган Trend Group компанияси тайёрлаб, ўрнатган. «Бу маданият ёдгорлигининг яратилиши — қадимий анъаналар маркази бўлган,

бир неча минг йиллик алмашинувлар ўтган ва бугунги кунда замонавийлик сари интилаётган мамлакатда амалга оширилди. Бу эса биз – Trend Group учун жуда табиий яқинлик ва мақсаддошликни юзага чиқарди. Биз қадимий ҳунармандчилик анъаналарини тиклаш ва бу орқали замонавий ишлаб чиқариш, бошқарув ва инновацияларни уйғунлаштиришга интилдик», — дейди компания президенти Жузеппе Фано. Техник пойхалаш ниҳоятда мураккаб кечди, иш жуда қисқа ишлаб чиқариш муддати (намуналар маъқулланганидан сўнг бор-йўғи уч ой) ичида моҳирлик билан амалга оширилди. Жараёнга компаниянинг энг моҳир мозаика усталари жалб қилинди.

Худудлардан хабарлар

Когонликлар

ЯШИЛ МАСКАНЛАР МУҲОҒАЗАСИНИ КУЧАЙТИРИШДА ФАОЛ БЎЛАДИ

Когон шаҳридаги “Темирийўлчилар” истироҳат боғида шаҳар ҳудудидagi яшил масканларни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, сайилгоҳлар ва хиёбонларнинг сақланишини самарали таъминлаш масалаларига бағишланган очиқ мулоқот “Адолат” СДП Когон шаҳар кенгаши, депутатлар, маҳалла фаоллари, боғ ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтказилди.

Моҳигул РАҲИМҚУЛОВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Унда “Адолат” СДП Когон шаҳар кенгаши раиси Шоҳижаҳон Исамутдинов яқинда ҳокимлик балансига қабул қилинган “Темирийўлчилар” ва “Маданият” истироҳат боғларидаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари эндиликда шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси зиммасига юклатилгани, бу эса яшил маконларни самарали сақлаш, уларнинг аҳолига маданий хордиқ маскани сифатида қайта тиклашга хизмат қилишини қайд этди.

– Қувонарлиси, шаҳримизда куз ва баҳор



мавсумларида “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида кўчат экиш ва уларни парваришлаш тадбирлари йил сайин оммавий тус олмақда, — деди Шоҳижаҳон Исамутдинов. — Бу жараёни фақат кўркамлик эмас, балки экологик барқарорлик ва соғлом турмуш тарзи сари ташланган муҳим қадам сифатида баҳолаймиз, албатта. Шу боис, бундан бунён истироҳат боғларимиздаги суғориш тизимлари, қудуқлар, насос ва қуевурларни таъмирлаш ишларини ўрганиш, муаммолар

аниқланганда, ҳамкор ташкилотлар билан ҳал қилиш, дарахтларни рақамлаштириб, мониторингдан ўтказиш бўйича фаолиятимизни кучайтиришимиз зарур. Тadbир давомида депутатлар Жўра Тўраев, Кимё Ёдгорова, Дилноза Адизова сўзга чиқиб, яшил масканлар муҳофазасини таъминлаш бора-сида партиянинг қонунийлик ташаббуслари ҳақида сўз юритди. Шунингдек, Когон шаҳрида олиб бориш лозим бўлган чора-тадбирлар юзасидан ўз таклифларини билдиришди.

Мулоҳаза

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ –

давлатнинг эртанги кuni учун муҳим стратегия

Коррупцияга қарши курашда бизнинг энг қудратли қуролимиз қонунчилик ёки жазо эмас, балки таълимдир. Дарҳақиқат, коррупция жамиятимизнинг пойдеворини емиради. У давлат институтларига бўлган ишончни су-сайттиради, иқтисодий ривожланишга путур етказади ва нопоклик гўёки рағбатлантириладиغان муҳитни яратади. Болалар катталарнинг ҳалол меҳнат ўрнига пора эвазига муваффақиятга эришаётганини кузатиб улғайса, уларда табиий равишда ҳалоллик қадриятига нисбатан шубҳа пайдо бўлади. Бу эса коррупциянинг авлоддан-авлодга ўтиб, нормаллашишига олиб келадиган мудҳиш занжирни келтириб чиқаради.

Сарвара ШУҲРАТОВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси

Афсуски, оқибатлар бевосита молиявий йўқотишлардан анча залворлироқдир. Ёшлар нопокликини муваффақият йўли деб билса, уларнинг таълим ва ҳалол меҳнатга бўлган муносабати издан чиқади. Агар осон йўللар мавжуд бўлса, нечун тиришиб ўқиш керак? Агар малакадан кўра таниш-билиш мухимроқ бўлса, нечун касбий кўникмаларни ривожлантириш керак? Бундай қайғайит коррупцион ҳолатларнинг бевосита молиявий таъсиридан анча юқори бўлган узоқ муддатли, қоплаб бўлмас зарарни келтириб, миллий тараққиётга жиддий шикаст етказади.

Бугунги болалар ахборотни асосан рақамли муҳитлар – анимациялар, видеолар, ўйинлар ва ижтимоий тармоқлар орқали қабул қиладилар. Бу каналлар ҳалоллик, адолат ва масъулият каби қадриятларни тарғиб қилиш учун мисли кўрилмаган имкониятларни тақдим этади. Болалар ҳаётидан узилиб қолгандек туюладиган анъанавий маърузалардан фарқли ўлароқ, пухта ишланган медиа маҳсулотлар уларнинг кундалик ҳаётига узвий сингиб, уларни ахлоқий танловларга йўналтириши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари нафақат билимга, балки ҳис-туйғулар, хулқ-атвор ва одатларга ҳам таъсир кўрсатади. Визуал образлар, жозибали қаҳрамонлар ва қизиқарли сюжетлар болаларнинг «яҳши» ва «ёмон» ҳақидаги тушунчаларини шакллантиради. Масалан, яхшилик айёрлик билан эмас, балки адолат ва тиришқоқлик орқали ғалаба қозонадиган анимацион фильмлар ҳалолликка асосланган ички қадриятларни мустаҳкамлайди.

Кўпгина мамлакатлар коррупцияга қарши онгни шакллантиришда ОАВнинг ҳал қилувчи ролини тан олган. Буюк Британияда «Bright Busters Check Integrity» халқаро платформаси болалар учун коррупция тушунчаларини оддий ҳикоялар орқали тушунтирувчи анимацион видеоларни яратади. Жанубий Кореяда ёшларга потенциал коррупцион вазиятларни аниқлашни ўргатувчи, ҳукумат томонидан молиялаштирилаётган ўйинлар ишлаб чиқилган. Америка Қўшма Штатлари ва Япония талабалар учун ихтисослашган медиа платформаларда таълимий подкастлар ва сериалларни таклиф этади.

Ўзбекистон бу йўналишда аниқ қадамлар ташлашга шай турибди. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, шу ўринда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, «Адолат» социал-демократик партияси ҳамда фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳамкорлигида ишлаб чиқиш мумкин бўлган бир нечта ташаббусларни таклиф этмоқчимиз:

1. Мактабгача ёшдаги болалар учун асар қаҳрамонлари қийинчиликларни ҳалоллик, тўғрилиқ, коррупцияга муросасизлик орқали енгиб ўтаётган мультфильмлар яратиш.
2. Ўсимирларга коррупциянинг зарарини тушунарли тилда етказувчи 1-2 дақиқалик видеороликлар тайёрлаш.
3. Ҳалоллик, адолатни тарғиб этишга қаратилган интерактив квестларга асосланган мобиль ўйинлар ишлаб чиқиш.
4. TikTok ва Telegramда ўқувчиларни ахлоқий хулқ-атвор, ҳалоллик, коррупцияга муросасизлик ҳақидаги мунозараларга жалб этиш учун ижтимоий челленжлар ўтказиш.
5. Коррупцияга қарши мавзудаги расмлар, шиорлар ва видеоларни аноним тарзда юбориш имконини берувчи медиа платформаларни яратиш.

Бу лойиҳалар шунчаки ташаббуслар эмас, балки коррупцияга қарши курашадиган янги авлодни тарбиялаш воситаларидир. Болаларда коррупцияга қарши онгни шакллантириш расмийтачилик ёки вақтинчалик кампания эмас, балки миллат келажагига таъсир кўрсатадиган стратегик йўналишдир. Агар мамлакатимизда коррупцияга қарши медиа маҳсулотлар изчил жорий этилса, бугунги ёшларда порахўрликка эмас, балки ҳалолликка ишонадиган фуқароларни кўрамиз. Бу фуқаролар адолатли, кучли ва ривожланган давлатни қуриш учун чинакам кадрлар бўлиб етишади.

Зеро, коррупцияга тоқатсиз авлодни тарбиялаш – чинакам адолатли жамиятни барпо этишда энг истиқболли йўлдир. Жазо чоралари касаллик белгиларини бартараф этса, таълимга асосланган ёндашувлар унинг туб сабабларига қарши курашади. Ёшларнинг эътиборини тортган замонавий медиа каналлардан фойдаланиш ва буни ўқитувчилар ҳамда ота-оналар томонидан доимий мустаҳкамлаш орқали биз ҳалоллиқни фуқароликнинг асосий таркибий қисми сифатида қабул қиладиган авлодни тарбиялаймиз.

Жамоа “АДОЛАТ”ни танлади



Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

Қўқон туманлараро суд-тиббий экспертиза марказида “Коррупцияга қарши курашиш ойлари” доирасида ўтказилган тарғибот тадбирида вилоят кенгаши депутати Равшан Якубжонов ҳамда туман кенгаши депутати Жаҳонгир Юлдашев бу борада “Адолат” партиясининг дастурий максadлари, фаолиятининг устувор йўналишлари ҳақида марказ ходимларига атрофлича маълумотлар бериб ўтдилар.

Самимий мулоқот жамоага манзур келгани бизни қувонтирди. Зеро, марказнинг 35 нафар ходими бир овоздан партия сафига кириш истагини билдирди. Эзгу истакни бажонидил қабул қилган депутатларимиз янги сафдошларимизга тантанали равишда аъзолик гувоҳномаларини топширдилар.

– Адолатли жамият – бу келажагимиз бўлган фарзандларимизнинг бахту ихбоби, фаровон ҳаёти кафолати. Барча янги сафдошларимизни бугунги шодиёна билан қутлайман, — деди вилоят кенгаши депутати Равшан Якубжонов.

Мулоҳаза. Мушоҳада. Мунозара

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ



"Сунъий интеллект" (СИ) — бу замонавий илм-фан ва технологиялардаги энг қизиқарли ва кўп қир-рали йўналишлардан биридир. СИ концепсиясининг моҳияти инсон интеллектини талаб қиладиган вази-фаларни бажара оладиган машиналар ва тизимларни яратишдан иборат. Бу дегани, машиналарнинг маъ-лумотни ўрганиш, таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал қилиш, тилни тушуниш ва яратиш, шунингдек, кме-ралар ёки датчиклар каби сенсорлар орқали дунёни идрок этиш қобилиятига эга бўлишидир.

Раҳимбой ЯРМАТОВ,
Жиззах давлат педагогика университети
магистратура бўлими бошлиғи,
педагогика фанлари доктори, профессор

"Сунъий интеллект" ҳаётнинг барча жабҳаларига шиддат билан кириб бормоқда. Ёшлар учун у на-фақат ўқув ва кўнгилочар восита, балки уларнинг дунёқараши ва қад-риятларининг ўзига хос кўзгусига айланди. Бироқ афзалликлар билан бирга, СИдан нотўғри фойдаланиш билан боғлиқ жиддий хавфлар ҳам юзага келмоқда.

Жумладан, нейротармоқлар ёр-дамида кўчирмачилик қилиш энг долзарб муаммолардан бирига ай-ланди. Мактаб ўқувчилари ва та-лабалар уй вазифалари, иншоолар ва ҳатто диплом ишлари учун ҳам СИга тобора кўпроқ мурожаат қи-лишмоқда. Билимлар тайёр жа-воблар билан, танқидий-таҳлилий фикрлаш эса шаблонли нусха кўчи-риш билан алмашмоқда. Натижада, маълумотни топишни биладиган, аммо уни таҳлил қила олмайдиган авлод шаклланимоқда.

Бундан ташқари, сунъий ин-теллект ёшлар томонидан тобора кўпроқ алдов мақсадида қўлла-нилмоқда. Тасвир ва овоз генера-торлари ёрдамида сохта видеолар яратилимда, аккаунтлар қалбаки-лаштирилмоқда ҳамда ёлгон маъ-лумотлар тарқатилимда. Бу на-фақат айрим шахсларнинг шахсий ҳаётига хавф туғдиради, балки уму-ман ахборотга бўлган ишончни из-дан чиқаради.

Ёшлар кўпинча виртуал суҳ-батдошларни дўст ёки романтик му-носабатдаги шерик сифатида қабул қилишга мойил бўлиб қолишади. Бундай ҳолат ижтимоий яққала-нишга, ҳақиқат ва ҳаёл орасидаги чегараларнинг бузилишига ҳамда жонли мулоқот даражасининг па-сайишига олиб келиши мумкин.

Мухим жиҳатлардан бири — сунъий интеллектнинг ёшлар ҳис-сий ҳолатига таъсиридир. Ал-лақачон нейротармоқлар виртуал суҳбатдошлар яратишда фаол қўл-ланилмоқда — уларга мурожаат қи-либ суҳбатлашиш, маслаҳат олиш, ҳаттоки "муносабат" ўрнатиш ҳам мумкин. Махсус иловалар ёшлар учун сунъий интеллект билан де-ярли ҳақиқий мулоқотга яқин бўлган шаклда алоқа қилиш имконини бер-моқда.

Бундай виртуал суҳбатдошларга хиссий қарамлик, айниқса, ижти-моий яққаланиш муаммосига дуч ке-лаётган ёшлар учун жиддий муаммо бўлиб бормоқда. Виртуал ёрдамчи-лар реал ҳис-туйғуларга эга эмас

— улар оғриқ, қувонч ёки ташвишни ҳис эта олмайди. Шунга қарамай, **Кўплаб ўсмирлар учун улар на-фақат ахборот манбаи, балки гўёки бир турдаги "дўст"га ай-ланмоқда. Ҳақиқий шахслараро муносабатлар баъзан мурак-каб ёки оғриқли бўлиб қолаётган бир шароитда, сунъий интеллект вақтинчалик "ўринбосар"га ай-ланиши мумкин. Бу эса жонли мулоқот кўникмаларининг йўқо-лишига ва реал ҳаётдан янада кўпроқ ажралишга олиб келади.**

Шунингдек, кўпинча виртуал суҳ-батдошлар идеаллаштирилган об-раз сифатида намоён бўлади — **улар инсоний заифликлар ва чекловларга дучор эмас. Бу эса ёлгон яқинлик ва ишонч ҳиссини уйғотади, бу ҳолат эса психо-логик барқарорликнинг сусайи-шга ва ёлғизлик туйғусининг ку-чайишига олиб келиши мумкин.**

Шуни ҳам алоҳида таъкид-лаш жоизки, сунъий интеллект ишончли маълумот олишга бўл-ган ишонч учун ҳам жиддий таҳ-дидга айланган. Нейротармоқлар мутлақо ҳақиқийдек кўринадиган матнлар, тасвирлар ва видеоларни яратишга қодир, бироқ улар ас-лида сохта бўлиши мумкин. **Ёшлар бундай воситаларга эга бўлган-нида, сохта янгиликлар яратиш, видеоёзувларни қалбакилашти-риш ёки ҳазил тариқасида одам-ларни чалғитувчи материаллар тарқатишга мойил бўлишади. Бу эса кўпинча манипуляцияга олиб келади.**

Мисол сифатида махсус техноло-гиясидан фойдаланган ҳолда яра-тилан сохта видеоларнинг тарқа-лишини келтириш мумкин. Маса-лан, **машҳурлар ёки сиёсатчилар иштирокидаги видеолар шундай ўзгартириладики, гўёки улар ас-лида айتماган гапларни айта-ётгандек ёки қилмаган ишларни қилаётгандек кўринади. Бундай видеолар ижтимоий тармоқлар орқали жуда тез тарқалиб, жа-моатчилик фикрида чалкашлик келтириб чиқаради, сиёсий вази-ятга ёки айрим шахсларнинг об-рўсига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.**

Ёшлар, ижтимоий тармоқлар-нинг фаол фойдаланувчилари си-фатида, тобора кўпроқ "сохта" ахбо-рот тарқатилишининг манбаига ай-ланмоқда. Олдий ва қўлай контент яратиш воситаларининг мавжуд-

ҚУЛАЙЛИКМИ ЁКИ ТАҲДИД?!

Ёшлар, айниқса, мактаб ёшидаги ўқувчилар учун, сунъий интеллект таълим жараёнида кучли воситага айланган. Бироқ, афсуски, кўпинча уни ўқув тизимини айланиб ўтишда ишлатишади. Энг яққол мисоллардан бири — нейротармоқлардан нусха кўчириш учун фойдаланишдир. Айрим нейротармоқлар эссе ёзиш, саволларга жавоб бериш, қисқача мазмун чиқариш ва ҳатто масалаларни ечишда ёрдам бериши мумкин. Бу ҳодиса талабалар ва ўқувчилар орасида кенг тарқалган, айниқса, топшириқларни бажариш учун вақт чекланганда ва билим даражаси ишни тўлиқ бажаришга етарли бўлмаганда.

лиги одамларнинг сохталикларни тарқатишига сабаб бўлмоқда, улар эса бунинг оқибатларини тўлиқ ан-гламаслиги ёки эътиборсиз бўлиши мумкин. Бу эса жиддий ижтимоий ва сиёсий оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Ёшлар, айниқса, мактаб ёши-даги ўқувчилар учун, сунъий ин-теллект таълим жараёнида кучли воситага айланган. Бироқ, афсуски, кўпинча уни ўқув тизимини айланиб ўтишда ишлатишади. Энг яққол ми-соллардан бири — нейротармоқлар-дан нусха кўчириш учун фойдала-нишдир. Айрим нейротармоқлар эссе ёзиш, саволларга жавоб бе-риш, қисқача мазмун чиқариш ва ҳатто масалаларни ечишда ёрдам бериши мумкин. Бу ҳодиса тала-балар ва ўқувчилар орасида кенг тарқалган, айниқса, топшириқларни бажариш учун вақт чекланганда ва билим даражаси ишни тўлиқ бажа-ришга етарли бўлмаганда.

Бундай технологияларни таъ-лимда қўллаш маълумотларни тў-лиқ қабул қилиш ва таҳлил қилиш учун зарур бўлган кўникмаларнинг ривожланишига таҳдид солади. Би-лимлар чуқур англашни ва таҳлилни талаб қилмайдиган "тайёр" ечим-ларга айланади. Бу эса таълим си-фатининг пасайишига олиб келади, узоқ муддатда эса танқидий фикр-лаш ва таҳлилий қобилиятларнинг деградациясига сабаб бўлиши мум-кин.

НЕГА БУНДАЙ ҲОЛАТ ЮЗАГА КЕЛАДИ? Бунда асосий са-баб — **рақамли саводхонликнинг етарли даражада бўлмаслиги ва аниқ ахлоқий қоидалар йўқливи-дир. Ёшлар, айниқса, ўсмирлар, рақамли маконда ўз ҳаракатлари оқибатларини кўпинча тушун-майдилар ёки уларга етарлича эътибор бермайдилар. Кўплаб мактаблар ва олий таълим муас-сасалари ҳали ҳам сунъий интел-лект билан мулоқот этиш эти-каси бўйича тизимли таълим бе-ришга тайёр эмаслар.**

БУНГА ҚАРШИ ҚАНДАЙ КУРА-ШИШ КЕРАК? НИМА ҚИЛИШ ЗА-РУР? Бугунги кунда бу саволлар

устида кўплаб болалар психолог-лари бош қотирмоқда. Аслида, бу саволларга жавоблар жуда кўп, би-роқ уларнинг барчаси ихобийми? Афсуски, ҳозирча ҳеч ким буни аниқ айта олмайди, фақат ёндашувлар мавжуд.

Биринчи ёндашув шуки, **техноло-гияларга нисбатан тўғри муноса-батни шакллантиришда таълим муҳим роль ўйнаши керак. Мактаб ва олийгоҳларда фақат сунъий ин-теллектдан қандай фойдаланишни эмас, балки ундан масъулият би-лан, эҳтимолий оқибатларни ино-батга олган ҳолда фойдаланишни ҳам ўргатувчи дастурлар ишлаб чиқилиши лозим.**

Иккинчи ёндашув эса **медиа-саводхонлики ривожлантириш зар-рурлигидир.**

Ёшларга **сохта маълумотни қандай аниқлаш ва унинг манбаини текшириш** усулларини **ўргатиш лозим. Бу — сунъий интеллект ёр-дамида яратилган ёлгон янгилик-лар тарқалишининг олдини олиш ва улар истеъмол қилаётган ҳар қандай контентга танқидий ёнда-ишни ўрганиш учун муҳимдир.**


Учинчи ёндашув — бу **психоло-гик қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш зарурлигидир. Виртуал суҳбатдошлар баъзи ҳолларда фойдала бўлиши мумкин, би-роқ уларда жонли мулоқотни тў-лиқ алмаштириб юбориши хавфи мавжуд. Шу сабабли шахсий му-лоқотдаги эҳтимолий етишмoe-чиликларнинг ўрнини қоплаш учун ижтимоий кўникмаларни ривож-лантириш ва реал учрашувлар ҳамда суҳбатлар учун шароит яратиш муҳимдир.**

Ва ниҳоят, ота-оналар, ўқитув-чилар, давлат муассасалари ўз-лари технологиялардан оқилона фойдаланиш бўйича намуна бў-лишлари керак. Сунъий интеллект — бу душман эмас, балки кучли восита. Бироқ ҳар қандай қурол каби, у ҳам маҳоратли ва масъули-ятли муносабатни талаб қилади. Ёшлар бугун у билан қандай му-лоқот қилишни ўрганишига қараб, эртанги жамият шаклланади.

Демак, сунъий интеллект имкониятлар нуқтан назари-дан таълим ва тараккиёт учун улкан салоҳиятга эга. Бироқ ёшлар орасида унинг нотўғри қўлланилиши жиддий ижти-моий ва психологик муаммоларга олиб келиши мумкин. Бу хавфларни камайтириш учун, биринчи навбатда, замона-вий ва тизимли таълим дастурларини жорий этиш, медиа-саводхонликини ривожлантириш, ёш авлодни технология-лардан онгли, масъулиятли ва ахлоқий мезонларга асос-ланган ҳолда фойдаланишга ўргатиш зарур.

Сунъий интеллектнинг жамиятга қандай таъсир кўрса-тиши бевосита инсонларнинг, айниқса, ота-оналар, устоз-лар ва ёшларнинг бу соҳадаги онгли ёндашуви, ахлоқий қадриятларга бўлган муносабати ва ижтимоий масъу-лият ҳиссига боғлиқдир. Бу борада айнан бугунги кунда ёшларга берилаётган тўғри йўналиш эртанги жамиятнинг киёфасини белгилайди.

Янги китоб



Ҳозирги вақтга келиб, жаҳон-даги мамлакатларнинг 70 фоизи таълим тизимида интегратив характердаги ўқув дастурлари ва дарсликлардан фойдалан-моқда. Ҳар бир мамлакат айнан шу давлатнинг таълим тизи-мига қўйилган буюртманинг та-лабидан келиб чиқиб, интегра-циянинг турли даражаларини ишлаб чиққан ва таълим тизи-мида жорий этган. Ривожланган мамлакатларда масалан, Буюк Британия ва Австралия таълим тизимида, асосан, интегратив фанлар жорий қилинган бўлса, Ирландияда фан ва техника каби блокларда барча ўқув фан-лари, Венгрияда маданият йўна-лишидаги ўқув фанлари, инсон ва табиат интегратив фанлари, Корея ва Швейцарияда интеграциялашган фанлар ёки алоҳида ўқув фанлари, Япония, Нидерландия, Ирландия, Гонг-Конг ва Германияда ҳам алоҳида фанлар интеграциялаштирилган ҳолда ўқитилади.

Илмий-тадқиқотга йўналтирувчи дарслик

Баҳромали КАРИМОВ,
Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети доценти в.б.

Бугунги кунда мутахассислар асосан ривожланиш қобилияти, когнитив салоҳи-ятнинг мавжудлиги даражаси билан баҳоланмоқда. Шунга кўра, олий таълим маз-мунини интеграциялаш учун асос, ўз моҳиятига кўра, фанлараро мажмуий билим ва компетенцияларни талаб этувчи касбий фаолиятнинг мавжудлигидир. Демак, таълим мазмунини такомиллаштириш фонида унга интегратив ёндашув муҳим ва долзарб аҳамиятга эга.

Олим Песталоцци фикрича, *"Ўқув жараёни шундай тузилиши керакки, бир томондан, алоҳида фанларни бир-биридан ажратиш, ихкинчи томондан, он-гизмида ухшаш ва тегишлиларини бирлаштириш керак"*. Фанларни фарқлаш билиш жараёнини осонлаштиради, лекин унинг сифатини пасайтиради. Ҳар бир ўқитувчи, талабалар билан бирор фан бўйича дарс бошлаганида, улар олган би-лимларини бошқа дарсларда қўллашга тайёр эмасликлари муаммосига дуч келади. Талабаларнинг бирор фанни муваффақиятли ўрганишлари, кўпинча уларнинг бошқаси бўйича маълум билим ва кўникмаларга эга бўлишига асос-ланади. Масалан, реал иктисодиётдаги техник муаммоларни ҳал қилиш учун физика, математика, чизмачилик, материалшунослик, материаллар қарши-лиги, машина механизмлари назарияси, машинасозлик технологияси ва ма-шина деталлари каби фанларни билиш талаб этилади. Чунки ҳар бир фан би-роқ бир объектни ўз масаласи, вазифаси ва мақсади нуқтаи назаридан ҳар томонлама кўриб чиқади. Бу эса талабага реал объектни яхлит тасаввур қи-лишга имкон бермайди. Шу нуқтаи назардан турли фанлардаги реал объект ҳақидаги билимларни бирлаштириш зарурати юзага келади.

Таълимда интеграция билимларни мажмуийлаштириш ва мажмуий компетен-циялар шакллантириш воситаси сифатида, талабанинг билимдонлигини ривож-лантиришга қаратилган, у фақат олинган билимларни ягона тизимга бирлашти-риш орқали дунёни яхлит тасаввур қилиш имконини яратиши лозим.

Тошкент давлат техника университети "Ер усти транспорт тизимлари" кафед-расида ҳам техник тайёргарлик циклининг янқувчоки қисми сифатида "Машина деталлари" фанидан ички интеграциясига асосланган замонавий дарслик яра-тилди.

Интеграциялашган замонавий дарсликнинг асосий хусусияти шундаки — унда мақсадли танланган ва дидактик қайта ишланган мазмун, таълимнинг эволюцион босқичлари сифатида тўрт блокка жойлаштирилган:

Таянч блок — **фаннинг умумий маълумотлари, фанни ўрганишда таянч бўла-диган бошқа фанларга оид билимлар. Фаннинг кейинги барча блокларидаги ма-салааларни ҳал этиш учун таянч бўладиган материаллар.**

Билимлар блоку — **ҳар бир мавзу бўйича мақсадага йўналтирилган, интегра-циялашган мазмунга эга бўлган ўқув материаллари, юқорида таъкидлангани-дек, танланган интеграциялаштирилган ва дидактик қайта ишланган мазмун, мавзулар бўйича тақсимланиб, ушбу блокка жойлаштирилган.**

Кўникма ва малакалар блоку — **мақсадага йўналтирилган ҳар бир мавзу ма-саласини ҳал этиш учун намуналар ва таҳлилга асосланган топшириқлар, ушбу блок модулларда ҳар бир мавзу ўқув материали яқунланганидан сўнга жой-лаштирилган.**

Компетенциялар блоку — **фаннинг асосий масаласини ечишга оид топши-риқлар, дарсликда ушбу блок барча мавзулар яқунланганидан сўнга алоҳида мо-дул сифатида жойлаштирилган. Шакллантирилган кўникма ва малакаларни ушбу блокда амалда қўллаш орқали компетенцияга айланштирилади.**

Блоқда турли кинематик схемаларга эга бўлган машиналар юритмаларининг ҳисоблари муаммоли рефлексив топшириқлар ечимининг намунаси сифатида ишлаб чиқилган, назарийлашган таълимдан амалийлашган таълим тизимига ўтиш учун маъруза ва амалий машғулотларнинг намунавий технология ҳарита-лари моделлари ишлаб чиқилган ва уларнинг барчаси бир дарсликда жамланган ва ўз ўрнида жойлаштирилган.

Бу талабага умумий мазмундан ўзлаштирилиши шарт бўлган асосий мазмунни ажратиб, унга эътиборли бўлишни, курс охирида нималарни бажариши керак эканлигини кўрсатиб туради ва уни шунга ундайди.

Фаннинг мақсадларидан бири лойиҳаланаётган машина деталларига тўғри ма-териал танлаш, ҳисоблаш-лоийҳалаш ишларини сифатли бажариш, олинган на-тижалар асосида деталларни сифатли конструкциялаш механизмлари (усул-лари, алгоритмлари, технологиялари) шакллантиришдир.

Ушбу дарслик бошқа нашрлардан фарқи равишда ўзлаштириш учун нафақат маълумот манбаси сифатида, шунингдек, ижодий ўқув жараёнининг ташиқлот-чиси ва бошқарувчиси, олинган билимларни чуқур ўзлаштириш воситаси сифа-тида ишлайди.

Дарслик талабалар учун аввал олинган билимларни фаоллаштириш, лойиҳа-лаш жараёнида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш йўлларини топиш, лойиҳалашда ўз йўналишини белгилаш, ҳисоблаш методикасини ўрганиш, таҳ-лил қилиш, аниқ ишланмаларни яратиш ва муҳокама қилиш, лойиҳалаш жараё-нини рефлексив тушуниш имконини беради.

Дарслик асосига педагогикада кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган *"фан-дан талабага"* ёки *"талабадан фанга"* эмас, биз тақлиф этган *"фаолият маз-мунидан бўлажак мутахассисга"* дидактик тамойили қўйилган. Бу гоё юқори компетенцияга, касбий маҳоратга эга бўлган мутахассислар тайёрлаш имко-ниятини берувчи таълимнинг тамал тоши ҳисобланади. *"Фаолият мазмунидан бўлажак мутахассисга"* бориш учун ушбу фан талабаларга долзарб, шахсан муҳим ва жозибали шаклда тақдим этилиши лозим. Бундай шакл сифатида, назарияси ва амалиёти уйғунлашган ва мазмуни интеграциялашган, натижаси техник таълимда аниқ касбий муаммолар ечимига йўналтирилган ўқув матери-аллари тақлиф этилган.

Дарсликнинг ижодий кучи шундаки, ундаги ҳар бир мавзунинг мазмуни таъли-мий вазият кенгайтиришнинг бошланиши бўлиб, унга талабалар, аста-секин кириб боради ва рефлексив масалаларни ҳал қилишнинг ностандарт усуллари ва йўл-ларини топишга ҳаракат қилади.

Партия ташаббуси

ҚОН – ҲАЁТ МАНБАИ!

Қон – бу ҳаёт манбаи. Қон бебаҳодир, унинг қийматини дунёдаги ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Қон ва унинг таркибий қисмлари беморлар ҳаётини сақлаб қолиш учун муҳим восита ҳисобланади.

Қадимдан одамлар қоннинг мўъжизавий хусусиятларига ишонишган ва унинг ёрдамида касалликларни даволашга уринишган. 1628 йили инглиз олими Уильям Гарвей одамнинг қон айланиш тизимини кашф этди ва шу орқали қон қуйиш усулини ишлаб чиқди. 1795 йилда америкалик шифокор Филипп Синг Фузик биринчи марта одамдан одамга қон қуйишни амалга оширди. 1901 йилда Карл Ландштайнер инсон қонининг уч хил гуруҳини аниқлади. У қон гуруҳларини кашф этгани ва қон қуйишни одатий тиббий амалиётга айлантириш имконини бергани учун 1930 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлди. Кўп ўтмай, шифокорлар Альфред Декастелло ва Адриано Стурлилар томонидан ушбу гуруҳлар рўйхатига тўртинчи қон гуруҳи ҳам қўшилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти давлатларга ўз аҳолисининг қонга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун донорлар сони ҳар 1000 кишига 30 нафар ва ундан ортиқ бўлиши лозимлигини тавсия этмоқда.

Сўнгги йилларда республикаимизда донорлик ҳаракатини оммалаштириш, қон билан ишлаш хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, халқимиз орасида бегараз донорлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, қон ва унинг таркибий қисмларини мунтазам равишда тақдим этувчи бегараз донорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, шунингдек, донорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини қонун даража-сида мустаҳкамлаш зарурияти юзага келди.

2025 йил 28 февралда “Донорлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни имзоланди.

Мазкур қонун билан “Шаҳар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида”ги ҳамда “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўрак нишони билан тақдирланган шахслар учун бир йўла бериладиган пул мукофоти миқдори оширилди, шунингдек, уларга шаҳар йўловчилар транспортдан (йўналишли ва йўналишсиз таксилар бундан мустасно) бепул фойдаланиш, ўзлари учун қулай бўлган вақтда ҳар йилги меҳнат таътилига чиқиш ҳамда санаторий-курортларда даволаниш учун йўланмаларни навбатсиз олиш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, аҳоли орасида бегараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 9 августдаги “Республикада қон билан ишлаш хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли орасида бегараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги қарориди белгиланган.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ташаббуси билан 9 йилдан буён болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида анъанавий тарзда йилгига икки-уч марта Республика қон қуйиш маркази ва унинг жойлардаги филиалларида, шунингдек, айрим ташкилот ва муассасаларда “БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!” шиори остида бегараз донорлик акцияси ўтказиб келинмоқда.

Акцияни ўтказишдан кўзланган асосий мақсадлар: – бемор болалар саломатлигини тиклашда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш; – аҳоли ўртасида бегараз ёрдам муҳитини кучайтириш; – қўшимча қон ва унинг таркибига эҳтиёжи бор бўлган бемор болаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда болалар учун қон захирасини тўлдирish, аҳоли орасида бегараз донорлик маданиятини шакллантириш, донорлик ҳаракатини кенг жамоатчилик иштирокида ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборат.

Қонга муҳтож бўлган бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолишда донорликнинг роли ниҳоятда катта эканлигини англаган кўнгиллилар ҳар йили ушбу акцияда фаол иштирок этиши анъанага айланди.

Ўтказиб келинаётган мазкур акцияда бугунги кунгача 28 833 нафар жаюртимиз донор сифатида иштирок этиб, 9 517 литр қон йиғилишига ва бу орқали 44 321 нафар болажоннинг саломатлигини тиклаш ва ҳаётини сақлаб қолишга ҳисса қўшганини инobatга олсак, унинг нақадар шарафли ва савобли эканига яна бир бор амин бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, партияимиз билан елкадош бўлиб йиллар мобайнида ўтказилган акциялардаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси раҳбарияти ва ходимларига ўз миннатдорлигимизни билдираимиз!

Донорликка чорлаймиз

ADOLAT

SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

“БОР МЕХРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!”

УНУТМАНГ! ДОНОРНИНГ ҚОНИ БЕМОР БОЛАЛАРНИНГ ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШИ МУМКИН!

“БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!” ДОНОРЛИК АКЦИЯСИ

Азиз юртдошлар!
“1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни” муносабати билан “Бор меҳримиз сенга, болажон!” шиори остида ўтказиладиган бегараз донорлик акциясига таклиф этамиз.

Акция 2-13 июнь кунлари (дам олиш кунлари бундан мустасно) соат 9:00 дан – 16:00 гача Республика қон қуйиш марказида ҳамда унинг ҳудудий бўлимларида ўтказилади.

“Бор меҳримиз сенга, болажон!” шиори остида ўтказилаётган тадбирнинг мақсади – тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бегараз ёрдам муҳитини кучайтириш, болалар саломатлигини муҳофаза этиш, инсонларни кўнгилли равишда қон топиширишга қақариш орқали бемор болажонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат гоёларини кенг тартиб қилишдир.

Шахсий фикр



БЕЛИНГИЗДА БЕЛБОҒИНГИЗ БОРМИ?!

Бир даврада оила муносабатларида эрнинг ўрни, айрим йигитларнинг субутсизлиги, аёлларига боқиманда бўлиб қолаётгани хусусида сўз очилиб қолди.

Шунда ёши улуғ отахон “Кимнинг белида белбоғи бор?” деб йиғилганларга юзланди. Сўралган матонинг суҳбатга нима дахли борлигини билолмай ва, қолаверса, ҳеч биримизда йўқлиги боис ҳаммамиз жим қотдик. Отахон “Кўйлақнинг остидан бўлса ҳам боғлаб олинглар, бунда ҳикмат кўп”, деди-ю бошқа гапга ўтмади.

Ҳалимжон ТОҲИРОВ, “Адолат” СДП Избоскан туман кенгаши фаоли

Оқсоқолнинг айтганлари олис болаликда кўрганларимни ёдга солди. Маҳалламиздаги аксарият кишиларнинг белидан белбоғи тушмасди. Халқимизнинг донишмандлигини қарангки, боболаримиз белбоғдан жуда ҳам омилкорлик билан фойдаланганлар.

Қатма-қат боғланган оқ, яшил, сариқ, қизғиш тусдаги белбоғлар уларга нафақат улугворлик, балки қувват ҳам бағишларди, қоматни тик ушлаб турарди. Шунингдек, кўп ҳолларда оқ тусдаги белбоғ бошга салла ёхуд дастурхон бўларди. Яшилини жойнамоз ўрнида ҳам ишлатишарди. Қизил ёки сариқ тусдагиси майда-чуйда солинадиган рўзгор халта вазифасини ўтарди. Тиббий нуқтаи назардан қараганда белбоғ буйракни шамоллашдан сақларди. Зарурат туғилганда арқон, иссиқда соябон, қўл ювганда дастурмол (сочик) ҳам бўлган. Йўлда олиб кетилаётган таомлар устига чанг кўнмасин учун ёпишга бирор нарса топилмай қолганда ҳам белбоғ наф келтиргани. Чойхоначиларнинг белидан белбоғи, елкасидан сочиғи тушмасди.

Кексаларнинг айтишича, авваллари белбоққа (аниқроғи, ранги, катта-кичиклигига кўра) қараб, у кимга тегишли эканлигини ҳам билишган. Омонат ишларда, олди-бердиларда ҳатто белбоғ воситани (кафил) вазифасини ҳам ўтагани айтилади. Кўриниб турибдики, халқимизнинг тутган буюмлари, кийган кийимлари, ҳамма-ҳамма ишлари ва тутумларида поклик, саранжомлик, омилкорлик каби фазилатлар мужассам.

Ўтган асрнинг 80-йилларида тўйларда, айниқса, қишлоқдаги никоҳ тўйларида келин-куёв ортидаги гиламга белбоғ ва рўмолнинг учларини бир-бирига маҳкам боғлаб, илиб қўйиш урф бўлган. Бунда эзгу ният мужассам эди — ёшлар бир умр бир-бирларига чамбарчас боғлансин. Кейин куёв йигитнинг белига тантана билан қўлда тикилган кўрмак белбоғни боғлаб кўярди.

Кейинги пайтда белбоққа ғалати муносабат шаклланди. Чорсисмон белбоғлар хўжакўрсинга бўлиб қолди. Айрим ҳолатларда уни боғлаганларга ҳамдардлик маъносида қараш пайдо бўлди (худди дўппи кийган сингари!). Аслида

азадор одамлар белларида белбоғ боғлаши шариатда борми? Ўз вақтида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази бу, асосан, бизнинг урфимизда шакланган ҳолат эканлигини билдириб ўтганди. Бу борада бирор буюрилган ёки қайтарилган ҳадис йўқлиги таъкидланганди.

...Юқоридаги даврада нуруний бежиз белбоғ ҳақида сўз очмаганди. Ота-боболаримиз талқинига кўра, у нафақат миллий либос, балки эркакнинг ор-номуси, ғурури тимсоли ҳам саналади. Халқимиз одамнинг ишончли, тайинли, диёнатлигини билмоқчи бўлса, “Белида белбоғи борми?”, деб сўрайди. Белда белбоғнинг бўлиши — суянса, ишонса бўладиган одам мазмунини беради. “Ҳар ўғлоннинг белида белбоғи бўлсин”, дея ўз авлодларини мардликка, тантлиқка, ватанпарварликка ва бошқа эзгу ишларга чорлашган.

Адабий асарларда бу ибора киши ҳамиятига тегиш, “йигитмисан ўзи” қабилида рақибнинг жиғига, ғашига тегиш мақсадида ҳам ишлатилганлигини кўриш мумкин. Мухтасар айтганда, белида белбоғи борлик — йигитлик, жавонмардлик, тайинли, субутли, диёнатлилик гарови. Шунданми, гапида турмайди-ган, субутсиз, журъатсиз ва хотинининг саъй-ҳаракати эвазига кун ўтказадиган эркакларга “Белингда белбоғинг борми?” қабилида дашном беришган. Таъбир жоиз бўлса, бу ибора эркакликни рамзий ифода-лаш маъносига айланган.

Яқинда онамни йўқлаб хузурига кирганимда, у сандигини очиб, ранги бироз уنىққан бўлса-да оҳорини йўқотмаган, бундан 70-80 йиллар илгари момоларимиз тиккан сернақш катта белбоғни менга узатди. Бобом, дадамнинг белла-

Ота-боболаримиз талқинига кўра, у нафақат миллий либос, балки

эркакнинг ор-номуси, ғурури тимсоли ҳам саналади.

Халқимиз одамнинг ишончли, тайинли, диёнаталигини билмоқчи бўлса, “Белида белбоғи борми?”, деб сўрайди.

Белда белбоғнинг бўлиши — суянса, ишонса бўлаадиган одам мазмунини беради.

“Ҳар ўғлоннинг белида белбоғи бўлсин”, дея ўз авлодларини мардликка, тантлаикка, ватанпарварликка, оилапарварликка ва бошқа эзгу ишларга чорлашган.

ридан бир умр тушмаган белбоғни боғлагач, ажиб ҳислар оғушида қолдим. Ўзимда ички ажиб куч-қувват, шунинг баробарида ғурур ва сурури туйдим. Ўзligимдан, ўзбекligимдан, аждодларим давомчиси эканligимдан яна бир бор фахрландим. Насиб қилса, уни ўғилларим, невараларим, зурриётларим ҳам белларига боғлашади.

Шу ўринда суҳбатдош отахоннинг сўровини яна такрорлагим келди: — Белингизда белбоғингиз борми, йигитлар?

Болаликда онгга сингдирилган қонун-қоидалар ёш дарахтга ўйилган ҳарфларга ўхшайди: бир умр бирга бўлади.

Виктор ГЮГО

Агар болалар гапингни эшитишини хоҳласанг, ким биландир наст овозда гаплашиб кўр.

Энн ЛАНДЕРС

Боланинг бир соати қариянинг бир кунидан узунроқ.

Артур ШОПЕНГАУЭР

Қабримиз устида йиғлаши учун болаларингизни кўз ёш тўкишдан асранг.

ПИФАГОР